

Бошланғич синфларда она тили ўқитиш.

Бошланғич таълим давлат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади ва унда она – тили ўқитиш асосий ўрнини эгаллайди.

Бошланғич синфларда она – тили ўргатишдан асосий мақсад болаларнинг ёш хусусиятига кўра оғзаки ва ёзма нутқ тафаккурини ўстириш, уларни шахс сифатида шакиллантириб боришни амалга ошириш, уларда билим олишга қизиқишни ўстириш, фаоллик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, қийинчиликларни енга олиш қобилиятини амалга оширишга эришишдан иборат. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятларини ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришларига имкон яратади.

Бошланғич синфлар она – тили дастури қуйидагича билимларни ўз ичига олади.

1. Савод ўргатиш синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
2. Синфда синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
3. Фанетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш.

Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида ўқувчиларда юқоридагидек қобилиятларни ривожлантиришда таълимнинг асоси бўлган дарсларни назарий, амалий ва методик жihatдан тўғри ташкил этиш, бу соҳадаги янгиликлардан ўқитувчиларни бохабар этиш, илғор педагогик инновацион методларни ҳаётга жорий этиш кўзда тутилади.

Ўқитувчилар малакасини ошириш тизимидаги 18 кунлик курсларни ташкил этишда фанетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш юзасидан қуйидаги мавзулар билан ишлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

1. Она – тили дарсларига қўйилган давлат талаблари (1 соат маъруза).
 2. Она – тили дарсларида грамматик таҳлил (2 соат маъруза, 2 соат амалиёт).
 3. Она – тилидан ноанъанавий дарсларни ташкил этиш (1 соат маъруза 2 соат амалиёт).
- Жами:** 2 соат маъруза, 2 соат амалиёт, 4 соат.

Она – тили дарсларига қўйилган давлат талаблари (1 соат маъруза).

Таълим тўғрисидаги қонун ва “Бошланғич таълим конценцияси”да болаларни мактабга қабул қилиниши. ДТС да бошланғич таълим босқичи учун белгиланган стандарт кўрсаткичлар: 1) таълим мазмуни негизини белгиловчи кўрсаткичлар 2) ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар.

Она тили таълим соҳаси: нутқ товушлари сўз гап юзасидан белгиланган кўрсаткичлар. Ўқувчиларнинг ёзма билимига қўйиладиган минимал талаблар: диктант ёзиш техникаси ва унга белгиланган миқдорий кўрсаткич: 70-80 сўздан иборат матнни диктовка билан ёза олиш ва унга қўйилган талаблар; фикрни ёзма шаклда баён этиш малакси бўйича миқдорий кўрсаткич: II синфда 3-4, III синфда 4-5, IV синфда 5-6 гапдан иборат бўлган матнни (фикр эҳтиёжи билан боғлиқ мавзу асосида) яратиш ва унга қўйилган талаблар ва уни амалга ошириш чора тадбирлари.

Она тили дарсларида грамматик таҳлил (2 соат маъруза, 2 соат амалий иш)

Грамматик таҳлилнинг ўқувчилар имло малакасига таъсири. Грамматик таҳлилни ташкил этиш. “Товушлар ва ҳарфлар” бўлимини ўтишда фонбик таҳлили ” Сўз сўлимини ўтишда морфологик таҳлил ” Гап” бўлими материалларини ўрганишда синтактик таҳлил ўтказиш методлари. Диктант (баён, иншо) таҳлили ва хатолар устида ишлаш жараёнидаги грамматик таҳлил

Грамматик таҳлилнинг мазмунига кўра фонетик, морфологик, синтактик ва аралаш таҳлилга бўлиниши.

Фанетик таҳлил: сўзлардан товушлар ва харфларни ажратиш, товушларни турлари уларни унли ва ундош товушлар жарангли ва жарангсиз ундошларга ажртиш сўзларни бўғин ва бўғин кўчириш қондаси асосида бўлакларга бўлиниши.

Морфологик таҳлил: сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажртиш уларни фарқлаш сўзларнинг морфологик таркибини кўрсатувчи қисмларни тегишли белгилар билан ажратиш: ўзак (-) сўз ясовчи () сўз ўзгартирувчи ()

Сўз туркумларига кўра таҳлил: сўзга сўроқ бериш орқали у сўз қайси сўз туркумига мансублиги ва ўрганилган айрим грамматик белгиларни аниқлаш, от-бирлик ёки кунликда экани келишиги, шахси; феъл-бўлишли ёки бўлишсизлиги, замони.

Гап бўлаклари жихатидан таҳлил: сўзга сўроқ бериш, эга кесим ва иккинчи даражали бўлакларни аниқлаш, иккинчи даражали бўлакларга боғланиб келган сўзларни жуфти билан ажратиш.

Амалиёт: бошланғич синфлар дастур ва дарсликларидида берилган имоси қийин сўзлардан танлаб ўқитувчилар билан фонетика таҳлил ўтказиш (1-4 синфлар). 3-4 синф ўқувчиларининг билим ва ёш хусусиятларига мос гаплардан танлаб морфологик ва синтактик таҳлил ўтказиш. Машғулот учун 30 та сўз ва 30 та гап тайёрлаш

Она- тилидан ноанъанавий дарсларни ташкил этиш (1 маъруза, 2 соат амалий машғулот)

Таълим жараёнининг ривожланиб бориши . Илғор тажрибалар, инновацион методлар: Ноанъанавий дарсларнинг ўқувчиларни билим олишга қизиқишларига, эркин фикр юритишларига таъсири . Ноанъанавий дарс турлари.Ноанъанавий дарсларни ташкил этиш, гуруҳларга бўлиниш ,гуруҳларда ишлаш ва унинг таълим-тарбия ишларининг самарадорлигига таъсири ноанъанавий дарслардан намуна.

Амалий иш:

Ўқувчиларни дарсга, илм олишга бўлган қизиқишлари ва фаолликларини ошириш мақсадида тажрибаларда қўлланиб келинаётган сайр-саёҳат, мусобақа–беллашув, тест-синов, сахналаштирилган, муҳокама –мунозара, мужассамлашган, семинар-тренинг дебат каби ноанъанавий дарс турларидан танлаб ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибасига таянган ҳолда бир соатлик дарс ишланмаси яратади. Ёки тингловчиларнинг хоҳшига кўра ўқитувчиларни 4 гуруҳга бўлиб, ҳар қайси гуруҳга биттадан мавзу берилади, ана шу мавзу ноанъанавий тарзда гуруҳ билан ишлаб чиқилади.